

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Чирчик



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети.
- Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил “14” августдаги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “14” августдаги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.
Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги.

Мазкур малака талаби 600000 –Хизмат кўрсатиш таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)</i> бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1	<i>5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)</i> таълим йўналиши малака талабининг қўлланиши.....	4
1.1.3	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи	4
1.2.1	<i>5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2	<i>5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3	<i>5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4	<i>5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
1.2.5	Таълимни давом эттириш имкониятлари.....	7
2.	<i>5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	8
2.1.	Умумий компетенциялар.....	8
2.2.	Касбий компетенциялар.....	8
2.3	Касбий квалификациялар	8
3.	<i>5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)</i> бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	9
3.1.	<i>5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)</i> бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	9
3.2.	<i>5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)</i> бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми	11
	Библиографик маълумотлар.....	12

1. 5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи

5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, яқиний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга “бакалавр” малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилди.

Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 3 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналиши – фан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги йўналиш бўлиб, жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларида меҳнат фаолиятини ташкил этиш, спорт турлари бўйича ўқув машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш; мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хона таълими муассасаларида жисмоний тарбия дарсларини ташкил этиш ва ўтказиш; спорт турларига оид ҳаракатларга ўргатиш; жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид воситалар, тамойилларни қўллаш; ҳаракатларга ўргатиш, ёш даврларига нисбатан восита ва услубларни танлаш; жисмоний юкламаларни микдор ва сифат жиҳатидан бошқариш ва индивидуаллаштириш; жисмоний машғулотларни режалаштириш, назорат ва таҳлил қилиб бориш; спорт фаолиятининг асосий томонларини

бошқариш; спорт соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини камраб олади.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳамда улардаги ўқув жараёлари;

– спорт мактаблари, спорт турларига ихтисослашган спорт мактаблари, спорт турлари бўйича ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги спорт машғулотлари жараёни;

– спорт турлари бўйича машғулотларини ташкил этиш восита ва усуллари;

– спорт жамоалари, спорт клублари, ишлаб чиқариш корхоналари;

– спорт мусобақалари.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.3. 5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни камраб олади:

• спорт ва жисмоний тарбия;

• педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида);

• илмий-тадқиқот;

• фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш;

• соғломлаштириш ва тиклаш;

• танкилий-бошқарув.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. 5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари

– мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида жисмоний тарбия дарслари ва спорт машғулотларини ташкил этиш ва олиб бориш;

– спорт мактаблари, спорт турларига ихтисослашган спорт мактаблари, спорт турлари бўйича ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги спорт машғулотларини ташкил этиш ва олиб бориш;

– спорт жамоалари, спорт клубларида спорт машғулотларини олиб бориш ва спорт мусобақаларини ташкил этиш;

– ишлаб чиқариш корхоналарида жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ташкил этиш.

• Спорт ва жисмоний тарбия фаолиятида:

– жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги касбий билимларни қўллаш;

– спорт машғулоти назариясининг пайдо бўлиш ва шаклланиш эволюциясини, танланган спорт турининг тиббий-биологик ва психологик асосларини ҳамда машғулот технологиясини, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаолиятнинг санитария-гигиеник асосларини тушуниш;

– болалар ва ёшларда танланган спорт тури билан шугулланиш мотивациясини шакллантира олиш, шугулланувчиларда ҳалол спорт рақобатининг ахлокий тамойилларини тарбиялай олиш;

– танланган спорт турида индивиднинг антропометрик, жисмоний ва психологик хусусиятларини аниқлаш бўйича замонавий методикаларни қўллаган ҳолда спорт ориентацияси ва саралаш тизимини амалга ошира олиш;

– болалар ва ўсмирлар спорти соҳасида ва оммавий разрядлар спортчилар билан ишлаш бўйича аниқ машғулотларнинг узок муддатга мўлжалланган ва тезкор режа ҳамда дастурларни ишлаб чиқа олиш;

– танланган спорт тури бўйича болалар ва ўсмирлар спортида ва оммавий разрядлар спортчилари билан мустақил равишда тренировка машғулотларини олиб бориш;

– машғулотларни олиб боришда ҳавфсизлик техникасини таъминлай олиш;

– танланган спорт тури учун долзарб ҳисобланган педагогик назорат ва коррекция технологиялари, инсон жисмоний ҳолатини бошқариш воситалари ва усулларини қўллай олиш;

– режавий ва ҳисобот ҳужжатларини тузиш, оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ҳамда спорт мусобақаларини ташкил қила олиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

Педагогик фаолиятида (умуми ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида):

– умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;

– мустақил таълим ва ижодий кидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

– Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги долзарб муаммоларни аниқлаш.

– Жисмоний тарбия ва спортга оид илмий текширишлар бўйича намунавий усулларда илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш;

– республика ва хорижда чоп этилган жисмоний тарбия ва спортга оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш; илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;

– апробациядан ўтган усулларни қўллаган ҳолда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаолиятнинг турли жиҳатларининг самарадорлигини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ўтказиш;

– математик-статистика усуллари, ахборот технологиялари ёрдамида тадқиқот натижаларини қайта ишлаш усулларидан фойдалана олиш, умумлаштириш ва хулосаларни шакллантира олиш.

– мавзу (топшириқ) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

– илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш;

– интернет тармоғида соҳага тегишли энг янги илмий, технологик ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда кидириш ва топиш;

– илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик профилига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

Фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш фаолиятида:

– спорт иншоотлари ва жиҳозлардан фойдаланишни, таъмирлаш ва техникавий хизмат кўрсатишни;

– касбий этика кодексига риоя қилиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

Соғломлаштириш ва тиклаш фаолиятида:

– даволаш муассасаларида, дам олиш уйларида, санаторияларда соғломлаштирувчи жисмоний машғулотларни олиб бориш;

– спорт билан шугулланувчиларнинг жисмоний ва функционал ҳолатини қайта тикловчи замонавий восита ва усулларни қўллаш *қобилиятига эга бўлиши керак.*

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

– режавий ва ҳисобот ҳужжатларини тузиш, оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ҳамда спорт мусобақаларини ташкил қила олиш;

– жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат ва жамоат бошқарув органлари ҳужжатларини амалий қўллай олиш;

– қуйи таркибий бўлимларда тезкор иш режаларини тузиш ва уларнинг бажарилишини таъминлай олиш;

– билимлари ва маҳоратларидан сифатни таъминлаш ва бошқаришда фойдаланиш;

– иш сифати учун масъулиятни ҳис қилиш, ўз билимлари ва маҳоратидан сифатни бошқариш бўйича фойдалана олиш;

– инновацион ғоялардан фойдаланишга тайёр бўлиш;

– бошқарув қарорларини қабул қилиш;

– жисмоний тарбия ва спорт, спорт-соғломлаштириш муассасалари ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

– хизмат кўрстиш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича) бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланадиган педагогика соҳаларини камраб олувчи магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган муддатларда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши;
- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
 - табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
 - инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши.

2.2 . Касбий компетенциялар:

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниктириш уқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

2.3. Касбий квалификациялар:

Мазкур таълим йўналиши битирувчиларига

- *танланган спорт тури бўйича тренер;*
- *жисмоний тарбия ўқитувчиси;*
- *жисмоний тарбия ва спорт бўйича йўриқчи-услугчи* квалификациялари берилади.

3. 5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1. 5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

- гуманитар ва табиий-илмий фанлар;
- умумкасбий фанлар;
- ихтисослик фанлар;
- қўшимча фанлар.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Гуманитар ва табиий - илмий фанлар блоки бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар фанларга қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади;

Табиий - илмий фанлар бўйича:

ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда ахборот технологиялари ва жараёнларни математик моделлаштириш, ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

табиий ва илмий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ходисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

коинотнинг табиий объект эканлиги ва унинг эволюцияси ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириш;

спортда математик ҳисоблашларни амлга ошира олиш ҳамда ахборот ва коммуникацион технологияларни қўллай олиш;

ҳаракатланиш биомеханикасини тушуниш, спортчи организмда кечадиган биокимёвий жараёнлар, жисмоний ҳолатга таъсир этувчи фармакологик воситалар ва овқатланиш тартиби тўғрисида тасаввурга эга бўлиши лозим.

Умумкасбий фанлар блоки бўйича:

математик ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва уқувларни шакллантириши;

таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ғояларнинг асосий оқимлари эволюциясининг хусусиятлари ва тенденциялари, миллий жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ҳамда ундаги замонавий йўналишлар, жисмоний тарбия ва спорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш муаммолари юзасидан назарий хулосалар чиқариши;

статистика амалиётида қўлланиладиган жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги кўрсаткичларидан фойдаланиши;

жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини ташкил этиши, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ва тартибга солиши ҳамда аҳолини, шу жумладан имконияти чекланган аҳоли катламни соғломлаштиришни таъминлаши;

жаҳон спорти ва халқаро спорт муносабатлари соҳасида маълумотлар йиғишни ташкиллаштириш ва уларнинг сифатини баҳолашни билиши;

режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиши;

спорт-соғломлаштириш тизимидаги институтлар фаолияти ва уни ташкиллаштирилишини таъминлаши лозим.

Ихтисослик фанлари блоки бўйича:

Тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириши;

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бакалаврият таълим йўналишлари бўйича касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бакалаврият таълим йўналишлари бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириши;

Талабанинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

Таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

Кўшимча фанлар блоки бўйича:

таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича кўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида рақобатбардошлиқни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва спорт муносабатлари тез ўзгараётган шароитда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминлаши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтан назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. 5610500 - Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат килиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 32 соатгача килиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув давлари	Кундузги таълим шакли учун	Сиртқи таълим шакли учун	Махсус сиртқи таълим шакли учун
<u>Назарий ва амалий таълим</u>	63 - 70%;	63 - 70%;	63 - 70%;
<i>Шу жумладан, мустақил таълим</i>	-	-	-
<u>аттестация</u>	8 - 10 %;	8 - 10 %;	8 - 10 %;
<u>таътил</u>	12 - 16 %;	8 - 10 %;	8 - 10 %;
<u>малака амалиёти</u>	6 - 12 %;	6 - 12 %;	6 - 12 %;
<u>биттирув малакавий иши</u>	2 - 3%.	2 - 3%.	2 - 3%.

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги касбий билимлар, танланган спорт турининг тиббий-биологик ва психологик асослари, спорт мошғулоти назарияси, санитария-гигиеник асослар, спорт тури билан шуғулланиш мотивацияси, индивиднинг антропометрик, жисмоний ва психологик хусусиятлари, оммавий разрядли спортчилар билан ишлаш, болалар ва ўсмирлар спорти, спорт ориентацияси ва саралаш тизими, педагогик назорат ва коррекция технологиялари, инсон жисмоний ҳолатини бошқариш, оммавий жисмоний тарбия тадбирлари, спорт мусобакалари, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат ва жаоат бошқарув органлари, ҳавфсизлик техникаси, инновацион гоялар, спортчи, жамоа, спорт клуби ёки ташкилотига психологик ёрдам, ёш тоифаси, ривожланиш босқичлари, спорт-соғломлаштириш тизими.

5610500 –Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича) йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

T/p	Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
1.00	Табийий-илмий ва гуманитар фанлар	1470
1.01	Ўзбекистоннинг энг янги тарихи	120
1.02	Ўзбек (рус) тили	150
1.03	Хорижий тил	210
1.04	Анатомия	90
1.05	Ўзбек тилининг соҳада қўлланилиши	90
1.06	Фалсафа	180
1.07	Биохимия ва спорт биохимияси	120
1.08	Жисмоний тарбия ва спортда информацион технологиялар	90
1.09	Физиология ва спорт физиологияси	210
1.10	Спорт тиббиёти ва реабилитология	210
2.00	Умумқасбий фанлар	2424
2.01	Жисмоний тарбия ва олимпия ҳаракати тарихи	120
2.02	Миллий ва ҳаракатли ўйинларни ўргатиш методикаси	64
2.03	Енгил атлетикани ўргатиш методикаси	64
2.04	Баскетболни ўргатиш методикаси	64
2.05	Сузишни ўргатиш методикаси	64
2.06	Волейболни ўргатиш методикаси	64
2.07	Гандболни ўргатиш методикаси	64
2.08	Спорт биомеханикаси. Спорт метрологияси	120
2.09	Жисмоний тарбия, спорт назарияси ва услубияти	240
2.10	Жисмоний тарбия ва спорт педагогикаси	90
2.11	Психология ва спорт психологияси	120
2.12	Спорт менежменти	90
2.13	Спорт педагогик маҳоратини ошириш (спорт турлари бўйича)	1200
2.14	<i>Танлов фан</i>	<i>60</i>
3.00	Ихтисослик фанлари	1446
3.01	Танланган спорт тури назарияси ва услубияти	1236
3.02	<i>Танлов фан</i>	<i>210</i>
4.00	Қўшимча фанлар	120
	Жами	5460
	Малакавий амалиёт	648
	Битирув малакавий иши	324
	Аттестациялар	648
	Жами	1620
	ҲАММАСИ	7080

Ўқув ишлари бўйича проректор  И. Ахмедов

Ишлаб чикувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети



Ректор _____ М. Болтабаев

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги ҳузуридаги
Олий таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ
этиш маркази



Директор _____ З. Ҳакимов

“ ” _____

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси
Жисмоний тарбия ва
спорт вазирлиги
Фан, спорт ва таълим
муассасаларининг
илмий-методик таъминлаш
бошқарма бошлиғи



_____ А. Хасанов

“ ” _____

М.Ў.

Республика олимпия захиралари коллежи



Директор _____ А. Каримов










“ ” _____

М.Ў.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

5112300 - Мактабгача ва бошлангич таълимда жисмоний тарбия ва спорт,
 5210200 – Психология (спорт)таълим йўналишлари бўйича,
 5230200- Менежмент (жисмоний тарбия ва спорт менежменти),
 5230200 - Менежмент (спорт тадбирларини ташкил этиш ва бошқариш),
 5230400-Маркетинг (спорт), 5610500 – Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича), 5610500-Спорт фаолияти (Адаптив жисмоний тарбия ва спорт) бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда 5A610501 – Спорт фаолияти (спорт турлари бўйича), 5A610502 – Жисмоний тарбия ва спорт менежменти магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқувчи

ИШЧИ ГУРУХ ТАРКИБИ

т/р	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
Раис:			
1.	И. Ахмедов	Ўқув ишлари бўйича проректор, и.ф.н., доцент	
Аъзолар:			
2.	Э. Рахманов	Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи, доцент	
3.	Д. Рахматова	Магистратура бўлими бошлиғи, доцент	
4.	А. Эштаев	Гимнастика назарияси ва услубияти кафедраси мудири, доцент	
5.	К. Зиядуллаев	Спорт менежменти ва иктисодиёт кафедраси мудири, доцент	
6.	С. Тажибаев	Спорт тадбирларини ташкил этиш кафедраси мудири, доцент	
7.	Д. Умаров	Жисмоний тарбия, спорт назарияси ва услубияти кафедраси мудири, доцент	
8.	Н. Умарова	Спорт психологияси ва педагогика кафедраси доценти	
9.	Х. Туробов	Спорт тадбирларини ташкил этиш кафедраси ўқитувчиси	

Ўқув ишлари бўйича проректор



И. Ахмедов

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ

Бакалаврият таълим йўналишлари учун янгидан яратилган малака талабларига киртилган кадрлар
истеръмолчиларининг таълим йўналишлари битирувчилари касбий фаоллигларига қўйилган умумий малака
(касбий компетенция) талаблари

	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр таёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши	Бакалаврият таълим йўналишлари учун янгидан яратилган малака талабларига киритилган кадрлар истеръмолчиларининг бакалаврият таълим йўналишлари битирувчилари касбий фаоллигларига қўйилган умумий малака (касбий компетенция) талаблари
	шифри	номи
1.	5610500 <i>Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)</i>	<p>Касбий фаоллигининг соҳалари:</p> <p>Спорт турлари бўйича ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш; мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида жисмоний тарбия дарсларини ташкил этиш ва ўтказиш; спорт турларига оид ҳаракатларга ўргатиш; жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид воситалар, тамойилларни қўллаш; ҳаракатларга ўргатиш, ёш даврларига нисбатан восита ва услубларни танлаш; жисмоний юкламаларни миқдор ва сифат жиҳатидан бошқариш ва индивидуаллаштириш; жисмоний машғулотларни режалаштириш, назорат ва таҳлил қилиб бориш; спорт фаолиятининг асосий томонларини бошқариш; спорт соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини камраб олади.</p> <p>Касбий фаоллигининг объектлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> – мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳамда улардаги ўқув жараёнлари; – спорт мактаблари, спорт турларига ихтисослашган спорт мактаблари, спорт турлари бўйича ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги спорт машғулотлари жараёни; – спорт турлари бўйича машғулотларини ташкил этиш восита ва услублари; – спорт жамоатлари, спорт клублари, ишлаб чиқариш корхоналари; – спорт мусобақалари.

Касбий фаолиятнинг турлари:

- спорт ва жисмоний тарбия;
- педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида);
- илмий- тадқиқот;
- фойдаланиш ва сервис хизмати кўрсатиш;
- соғломлаштириш ва тиклаш;
- ташкилий-бошқарув.

Касбий фаолиятнинг умумий малака талаблари:

- жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги касбий билимларни қўллаш;
- спорт машғулоти назариясининг пайдо бўлиш ва шаклланиш эволюциясини, танланган спорт турининг тиббий-биологик ва психологик асосларини ҳамда машғулот технологиясини, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаолиятнинг санитария-гигиенка асосларини тушуниш;
- болалар ва ёшларда танланган спорт тури билан шуғулланиш мотивациясини шакллантира олиш, шуғулланувчиларда ҳалол спорт рақобатининг ахлоқий тамойилларини тарбиялай олиш;
- танланган спорт турида индивиднинг антропометрик, жисмоний ва психологик хусусиятларини аниқлаш бўйича замонавий методикаларни қўллаган ҳолда спорт ориентацияси ва сараланиш тизимини амалга ошира олиш;
- болалар ва ўсмирлар спорт соҳасида ва оммавий разрядлар спортчилар билан ишлаш бўйича аниқ машғулотларнинг узок муддатта мўлжалланган ва тезкор режа ҳамда дастурларни ишлаб чиқа олиш;
- танланган спорт тури бўйича болалар ва ўсмирлар спортида ва оммавий разрядлар спортчилари билан мустақил равишда тренировка машғулотларини олиб бориш;
- танланган спорт тури учун долзарб ҳисобланган педагогик назорат ва коррекция технологиялари, инсон жисмоний ҳолатини бошқариш воситалари ва усулларини қўллай олиш;
- режавий ва ҳисобот ҳужжатларини тузиш, оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ҳамда спорт мусобақаларини ташкил қила олиш қобилияти;
- жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат ва жаоат бошқарув органлари ҳужжатларини амалий қўллай олиш;

		<ul style="list-style-type: none"> – кўй таркибий бўлимларда тежор иш режаларини тузиш ва уларнинг bajarиллишини таъминлай олиш; – машгулотларни олиб боришда хавфсизлик техникасини таъминлай олиш; – билимлари ва маҳоратларидан сифатли таъминлаш ва бошқаришда фойдаланиш; – иш сифати учун масъулиятни хис қилиш, ўз билимлари ва маҳоратидан сифатли бошқариш бўйича фойдалана олиш; – инновацион голлардан фойдаланишга тайёр бўлиш; – илмий манбаларга асосларга ҳолда, инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш.
--	--	---

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Фан, спорт ва таълим муассасаларининг илмий-методик таъминлаш бошқарма бошлиги



А. Хасанов

5610500 –Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқишига

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

5610500 –Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқишда куйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланилди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишган қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғи;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги “олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 504-сонли буйруғи.

Малака талабини ишлаб чиқишда бакалаврият таълим йўналиши битирувчиларига кадрлар истеъмолчилар томонидан кўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган.

Олдинги бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми билан қиёслаганда янги малака талаби бўйича бакалавриятда “Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар” ва “Математик ва таббий-илмий фанлар” блоклари бирлаштирилиб, номи “Гуманитар фанлар ва таббий-илмий фанлар”га ўзгартирилди ва умумий юклама ҳажми 15-20 %дан 20-30%гача оширилди. “Умумқасбий фанлар” блокнинг ҳажми 45-50 %дан 30-50 %гача, “Ихтисолик фанлари” блокнинг ҳажми 10-15%дан 20-35 %гача кўпайди. Шу билан бирга бакалавриятда назарий таълим билан ишлаб чиқаришни боғлаш учун малакавий амалиёт муддатлари 16 ҳафтадан 30 ҳафтага оширилди ва аудитория машгулотларининг ҳафталик юкламаси 32 соатдан 30 соатга қисқартирилди.

Ушбу малака талаб “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифаларининг, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган ҳамда

Президент, Вазирлар Маҳкамасининг қарор-фармонларини мукаммал амалга оширилишига қаратилган.

Малака талаби дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаби асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаби халқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланади.

Ўқув юкламасининг оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.

Таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолияти сифатини баҳолаш мезонлари ва тартибларининг белгиланган меъёрий-қоидаларга мослигига эришилди.

Малака талабнинг қулайлиги - унинг бажарилишини назорат қилиш, меъёр ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.

5610500 –Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналишига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди;

Малака талабини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тарақиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштирилди ҳамда уларни узвийлиги таъминланди.

Ўқув ишлари бўйича проректор



И. Ахмедов

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналиши бўйича
Мувофиқлаштирувчи Кенгаш
Ижтимоий ва спорт фанлари ўқув-услубий бирлашма
йиғилишининг 3-сонли

БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА

Чирчиқ шахри “12” 08 2020 йил

Қатнашдилар: Бирлашма раиси – И. Ахмедов
Ўқув-услубий бирлашма котиби: Х. Туробов
Ўқув-услубий бирлашма аъзолари ва таклиф этилганлар

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизimini комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”да, 2017 йил 5 майдаги “2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-2955-сонли, 2017 йил 15 июндаги “Ўзбекистон Республикасида йилкичилик ва от спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3057-сонли Қарорларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 30 майдаги “2017-2018 ўқув йили учун ўқув режа ва фан дастурларини тайёрлаш тўғрисида”ги 356-сонли, 2017 йил 16 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги “Ўзбекистон Республикасида йилкичилик ва от спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3057-сонли Қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 404-сонли, 2017 йил 19 июндаги “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 407-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган таянч бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг устувор йўналишлари бўйича такомиллаштирилган малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиш ҳамда уларни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

Эшитилди: Ўқув-услубий комиссия раиси И.Ахмедов:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизimini комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”да, 2017 йил 5 майдаги “2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-2955-сонли, 2017 йил 15 июндаги “Ўзбекистон Республикасида йилкичилик ва от спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3057-сонли Қарорларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 30 майдаги “2017-2018 ўқув йили учун ўқув режа ва фан дастурларини тайёрлаш тўғрисида”ги 356-сонли, 2017 йил 16 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги “Ўзбекистон Республикасида йилкичилик ва от спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3057-сонли Қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 404-сонли, 2017 йил 19 июндаги

“Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 407-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида устивор йўналишлар бўйича ташкил этилган ишчи гуруҳлар томонидан, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ бакалаврият таълим йўналишлари бўйича малака талабларни ишлаб чиқилганлиги ҳақида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ушбу янгидан яратилган малака талаблари ҳақида йиғилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

Сўзга чиқдилар: п.ф.д.,проф.Ф.А.Керимов,п.ф.н., проф. Р.И.Нуримов, п.ф.н., доцент Г.Б.Абдурасулова, п.ф.н. Н.Т.Тўхтабоев ва п.ф.н. Б.Б.Мусаев сўзга чиқиб, ишлаб чиқилган малака талаблари ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларни билдирдилар.

Эшитилди: Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ўқув ишлари бўйича проректори И.Ахмедов:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида мавжуд таълим соҳалари учун янги талаблар бўйича ишлаб чиқилган ҳамда хорижий ўқув адабиётлари ва бошқа махсус адабиётлар асосида такомиллаштирилган малака талаблари, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ушбу соҳага керакли юксак билимли ва юқори малакали кадрларни етказиб беришга йўналтирилган ҳамда жисмоний тарбия ва спорт таълимининг замонавий ривожланиш тенденцияларини ўзида тўлиқ акс эттиради ва меъёр талабларига мос келади деб ҳисоблайман.

Шунинг учун муҳокамага қўйилган барча малака талаблари ҳамда ўқув режаларини маъқуллаш ва тасдиқлаш учун тавсия этиш керак.

Юқоридагиларни инobatта олиб, қуйидаги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг такомиллаштирилган малака талаблари ҳамда ўқув режаларини кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун тавсия этишларингизни сўрайман:

Бакалаврият

1. 5610500 – *Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)*
2. 5610500 – *Спорт фаолияти (Адаптив жисмоний тарбия ва спорт)*
3. 5230200 – *Менежмент (Спорт тадбирларини ташкил этиш ва бошқариш)*
4. 5112300 – *Мактабгача ва бошлангич таълимда жисмоний тарбия ва спорт*
5. 5210200 – *Психология (спорт)*
6. 5230200 – *Менежмент (жисмоний тарбия ва спорт менежменти)*
7. 5230400 – *Маркетинг (спорт)*

Магистратура

1. 5A610501 – *Спорт фаолияти (спорт турлари бўйича)*
2. 5A610502 – *Жисмоний тарбия ва спорт менежменти*

ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Турдош олий таълим муассасалари (ОТМ) вакилларини ҳамда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти профессор-ўқитувчиларини жалб этган ҳолда институтда ташкил этилган Ижодий ишчи гуруҳлар томонидан ишлаб чиқилган “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги 7 та бакалаврият таълим йўналишлари ва 2 та магистратура мутахассислиги бўйича малака талабларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлиги Дастури”да, 2017 йил 5 майдаги “2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-2955-сонли, 2017 йил 15 июндаги “Ўзбекистон Республикасида йилкичилик ва от спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3057-сонли Қарорларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 30 майдаги “2017-2018 ўқув йили учун ўқув режа ва фан дастурларини тайёрлаш тўғрисида”ги 356-сонли, 2017 йил 16 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги “Ўзбекистон Республикасида йилкичилик ва от спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3057-сонли Қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 404-сонли, 2017 йил 19 июндаги “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 407-сонли буйруқларининг ижросини таъминлаш мақсадида ва Вазирлик томонидан тасдиқланган тамойиллар асосида ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.

2. Ишлаб чиқилган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларни ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун турдош ОТМлари ва манфаатдор вазирликлар (идоралар) ва асосий иш берувчи корхоналарда экспертизадан ўтказилганлиги таъкидлансин (Асосий кадрлар истеъмолчиларининг малака талаблари, “Келишув баённомалари”, “Келишув далолатномалари” билан расмийлаштирилган ва малака талабларигаларига илова этилган).

3. Экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва тақлифлар малака талабларининг яратилишида инобатга олинсин.

4. Ишлаб чиқилган малака талабларини ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш муҳокамасига тақдим этилсин.

**“Ижтимоий-спорт фаилари”
ўқув-услубий бирлашмаси
ранси**

Бирлашма котиби



И. Ахмедов



Х. Туробов